

Дилафруз КАРИМОВА

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси
доцент в.б., юридик фанлар доктори
afruza@ro.ru

ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ОДАТ ҲУҚУҚИДАГИ ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ВА ВАСИЙЛИК- ҲОМИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ

ВОПРОСЫ УСЫНОВЛЕНИЯ И ОПЕКИ В ДРЕВНЕМ ОБЫЧНОМ ПРАВЕ НАРОДОВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

ADOPTION, CUSTODY AND GUARDIANSHIP IN ANCIENT COMMON LAW OF CENTRAL ASIA

Аннотация: Мақолада қадимда Ўрта Осиё ҳудудида амалда бўлган одат ҳуқуқи нормалари бўйича боқувчисини йўқотган болаларни фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик масалалари ўрганилган. Ўрта Осиё одат ҳуқуқида вояга етмаганларни фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик масалалари шариат нормалари билан қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, соҳага доир одат ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар. Бола, ҳуқуқ, одат ҳуқуқи, фикр, Ўрта Осиё, фарзандликка олиш, васийлик, ҳомийлик.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы усыновления, опеки и попечительства над детьми, потерявших кормильца, в соответствии с нормами обычного права (степного закона) древней Средней Азии. Вопросы усыновления, опеки и попечительства над несовершеннолетними в обычном праве Центральной Азии сравнительно анализируются нормами шариата. Также, выделены особенности обычного права в данной сфере.

Ключевые слова. Ребенок, право, обычное право, юриспруденция, Средняя Азия, усыновление, опека, попечительство.

Annotation. The article deals with the issues of adoption, custody and guardianship of children who have lost their breadwinner, in accordance with the norms of customary law (steppe law) of ancient Central Asia. The issues of adoption, custody and guardianship of minors in the common law of Central Asia are comparatively

analyzed by the norms of Sharia. Also, the features of customary law in this area are highlighted.

Keywords. Child, law, customary law, jurisprudence, Central Asia, adoption, custody, guardianship.

КИРИШ

Қадимда Ўрта Осиёда одат ҳуқуқи нормалари барчага маълум бўлишига қарамай, ҳар бир ҳудуднинг ўз ҳуқуқий одатлар бўйича билимдонлари мавжуд бўлган. XIX асрларда ўзбек, турк, қозоқ, қирғиз халқларининг одатлари ёзилмаганининг сабаби уларнинг саводсизлигида эмас, балки уларнинг ёзилишига эҳтиёж бўлмаган. Чунки ушбу ҳуқуқий одатлар йиллар давомида маҳаллий аҳоли орасида оғзаки равишда авлоддан-авлодга ўтиб бориши билан характерланган. Бу давр мобайнида ҳуқуқий одатлар вазият, вақт ва маконга қараб ўзгариши мумкин бўлган. Инглиз-саксон ҳуқуқий тизимидаги мамлакатларда одат ҳуқуқий бўлиши учун суд органлари томонидан ҳам санкцияланган бўлиши талаб қилинади. Аммо туркий халқларда, аслида, ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаган одатлар бир-биридан фарқланмаган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Гарчи ўрта асрларда Ўрта Осиёда ҳуқуқнинг асосий манбаи шариат бўлса-да, у одат ҳуқуқининг амалда бўлишига чек қўя олмаган эди. Ўрта Осиёда ҳукмрон сулола бўлган турк-ўзбек ўтроқ ва чорвадор халқлар орасида жуда кўп турли одатлар мавжуд бўлиб келган. Аммо, улар ҳанузгача ўрганилиб, гуруҳлаштириб чиқилмаган. Маълумки, турк халқларида оила-никоҳ муносабатлари шариат ҳуқуқи билан тартибга солинган, аммо шунга қарамайдан, бу борада ҳам кўпгина одатлар мавжуд эди. Мисол учун, туркий оилаларда қадимда вафот этган аканинг оиласини сақлаб қолиш, болаларини боқиб, тарбиялаб вояга етказиш учун унинг бева қолган хотинига ака-укаларидан бири уйланган. Бундай йўл орқали отасиз қолган болалар манфаатлари, уларнинг келажаги ҳақида қайғурилган ҳамда жамиятда етимлик институти мавжуд бўлишининг олди олинган. Бу эски одат ҳатто туркий халқларнинг қадимги авлодлари-хуннларга бориб тақалади. Жумладан, олим Н.Я. Бичурин Хитой манбаларига таянган ҳолда, уларда шундай ҳуқуқий одат бўлганлигини ёзиб қолдирган. Бундай ҳолда хотин «есир» деб аталиб,

«есирлик» одат ҳуқуқлари, тура билан тартибга солинган. «Тура»- қонун билан бирлашган халқ оммаси, қонун деган маъноларни англатган. Академик В.В. Бартольднинг кўрсатишича, туркий тилда халқ маъносини «будун» деган сўз англатиб, «тура» давлат маъносида ҳам ишлатилган.

Васийлик ва хомийлик масалаларига одат ҳуқуқида алоҳида аҳамият берилган. Қадимда васийликка юридик жиҳатдан эмас, балки патриархал нуқтаи назардан ёндошилган. Чунки болага васий шахс ҳуқуқий вакил деб эмас, ота (патриарх) деб қаралган. Одат бўйича васийлик муносабатларида: «меросхўр», «мерос», «мера» каби атамалар қўлланилган. «Васий» маъносини англатувчи «Мераси» сўзининг «си» кўшимчасини олиб ташлаб, «мера» сифатида қўлланилган. Давлат Бушаевнинг келтирган маълумотида кўра, кейинчалик «васий» сўзи ҳам ишлатилган экан [1; 77]. «Васий» сўзи аслини олганда турк халқларида ўз маъноси бўйича ишлатилмаган. Ушбу атама араб тилидан кириб келган бўлиб, унинг нотўғри қўлланилишининг сабаби қуйидагича: шариат бўйича етим қолган болага уч тоифа одамлардан бири ғамхўрлик қилиши мумкин бўлган:

1. Табиий, яъни қон-қариндошлик асосида болани тарбияга олган шахс «Валий» деб юритилган.

2. Диний уламолар тайинлаган одамлар болани тарбияга олган ва улар «Васий» деб аталган.

3. Ҳуқумдорнинг кўрсатмаси бўйича болага ғамхўрлик қилувчи этиб тайинланганлар «Қаюм» деб аталган.

Кўриб турганимиздек, одат ҳуқуқида фақат биринчи категориядагилар мавжуд бўлган ва улар «валий» эмас, «васий» ёки «мера» деб аталган.

Одат ҳуқуқи бўйича васий ота вафот этса ва ундан қолган фарзандлар 15 ёшга етмаган бўлса тайинланган. Васий нафақат боланинг мол-мулкни ҳалол сақлаш, унинг учун жон куйдириш каби масалалардан ташқари, у бола учун барча масалаларда отанинг ўрнини босиши ҳам лозим бўлган. Ота вафот этса, болалар тўғридан-тўғри бутунлай онанинг қарамоғига ўтган ва она болалар вояга етгунига қадар уларнинг мулкига васийлик қилган. Қуйидаги ҳолларда она васий бўлиши мумкин бўлмаган:

1. Агар она ҳасталиги сабабли мол-мулкни бошқара олмаса.

2. Агар она бегона эркакка турмушга чиқса (агар эрининг авлодига турмушга чиқса, она васийликдан озод этилмаган).

3. Агар она васий бўлишга ишончсиз бўлса [2; 161].

Бева қолган болали аёл қайта турмушга чиқишга мажбур қилинмаган. Агар боланинг отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган бўлса, барча мол-мулки билан яқин қариндошларининг қарамоғига ўтган [1; 20]. Агар яқин қариндошлар бўлмаса, қолган узоқроқ қариндошларга, агар улар ҳам бўлмаса, бошқа ишончли, ҳурматга эга ҳамуруғ одамларга топширилган [3; 20]. Васий этиб, фақат биргина шахс тайинланган. Одат бўйича васий этиб, қуйидаги шахслар тайинланиши мумкин эмас эди:

1. Вояга етмаганлар

2. Ақли заифлар;

3. Уруғдан қувилганлар;

4. Бий судида қораланганлар;

5. Гиёҳвандлар;

6. Жамоат томонидан ишончсиз деб топилган шахслар (хатто улар яқин қариндош бўлсалар ҳам) [4; 161].

Яқин қариндошлар васийликни уддалай олмаса, бошқа қариндошларнинг талабига кўра, оқсоқол ёки бий бошқа узоқроқ қариндошни ёки ишончли бошқа васийни тайинлайди ва болани унга топширади. Одат ҳуқуқи бўйича васий этиб, етти авлоддан узоқ бўлмаган шахслар тайинланганлар. Эркак васийлар топилмаса, аёл киши ҳам васий бўлишига рухсат этилган. Энг сўнгги чора сифатида васий этиб, оқсоқол тайинланиши мумкин бўлган. Васий шахс доимий равишда васийлик қилаётган боланинг қариндошларига унинг мол-мулки ҳақида ҳисобот бериб бориши лозим бўлган. Агар қариндошлар бўлмаса, жамоат (уруғ) олдида ҳисобот берган.

Агар ота ўлдирилган бўлса, унинг учун биринчи бўлиб хун талаб қилган яқин қариндош етим қолган болаларнинг васийси бўлиши мумкин. Вафот этган шахснинг хотини эрнинг қариндошларидан бирига турмушга чиқса ёки ҳеч кимга турмушга чиқмаса, фарзандлар она билан қолган. Агар бева бегона авлодга турмушга чиқса, болалар она билан кетмаган ва болалар ота авлоднинг васийлари тарбиясига

ўтган. Васийлар судда васийлик қилаётган бола ҳуқуқини ҳимоя қилувчи вакиллик вазифасини ҳам ўтаганлар. Қиз бола турмушга чиқаётганда агар, васий қариндош бўлса, унинг розилиги талаб этилган. Агар васий қариндош бўлмаса, қизнинг қариндошларининг розилиги сўралган. Яқин қариндош эса ўз навбатида никоҳга розилик бермаслиги мумкин бўлган, гарчи турмуш қураётган тарафлар ва васий никоҳга қарши бўлмасаларда. Васий барча одатларга амал қилган ҳолда васийлик қилаётган қиз билан никоҳга киришиши мумкин бўлган. Мисол учун, васий қизнинг қариндошларига қалим тўлаши лозим бўлган [5; 58]. Васий ўз вазифасини бола ўғил бўлса, вояга етгунига қадар, агар қиз бўлса турмушга чиққунига қадар бажарган.

Етим қолган болалар вояга етгандан сўнг, васийдан васийлик даври мобайнида мол-мулкни бошқариш ҳақидаги ҳисоботни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Агар у васий томондан асоссиз мулкнинг бир қисми ёки бутунлай сарфланганлиги ҳақида хабар топса, бийга арз қилишлари мумкин бўлган. Боланинг даъвоси рост эканлиги аниқланса, бий жавобгар шахслардан ўзлаштирилган маблағни ундириб олиш ҳақида ҳукм чиқарган. Васийликдаги боланинг мол-мулкига путур етганлиги тўлиқ васийнинг айби эканлиги аниқ бўлса-да, у жаримадан ўзга ҳеч қандай жазога тортилмаган. Агар васий мол-мулк сарфланганлиги ё камайганлиги унинг айби билан содир бўлмаганлигини исботлаб берса, унга ҳеч қандай мажбурият юкланмаган [6; 77]. Вояга етмаган васийлик остидаги бола васий унга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлса, бу у бий судига мурожаат қилиши мумкин бўлган. Боланинг қариндошлари ҳам васий бола ва унинг мол-мулкига кўнгилдагидай ғамхўрлик қилмаётгани, ё мол-мулкни беҳуда сарфлаётгани, ё мол-мулкни тўғри бошқара олмаётгани, ёхуд ўз вазифасига виждонан ёндошмаётганлигини сезсалар, бий судига мурожаат қилишлари мумкин эди.

Васийликка олинган болани таъминлаш боланинг ҳисобидан бўлиши ҳам мумкин бўлган. Васий болани таъминлаш учун кўчар мулкни сотишига рухсат этилган. Лекин васий кўчмас мулкни боланинг ва қариндошларининг розилигисиз сота олмаган.

Агар болани таъминлашга маблағ етмаса, кўчмас мулкни ижарага бериши мумкин бўлган. Васийликдаги вояга етмаган боланинг хатти-ҳаракатлари васийнинг розилиги билан қонуний ҳисобланган.

Умуман олганда, васий шахсларга васийлик қилганлари учун алоҳида мукофот, ҳақ берилмаган. Лекин улар васийлик қилаётган боланинг мол-мулкдан келган фойдадан виждонан фойдаланишлари мумкин бўлган. Агар васийнинг ишбилармонлиги ва ҳаракатлари билан васийликдаги бола бойиб кетса, бола вояга етгандан сўнг собиқ васийсига ярим фойдани бериши лозим бўлган. Бунинг учун васий айнан ўзининг амалга оширган ишлари натижасида бола бойиб кетганлигини исботлаши керак бўлган. А.Ломакиннинг таъкидалашича, *Ўрта осийликларда васийликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда болага расман бир шахс васий бўлса-да, отаси ёки ота-онасидан айрилган болага, унинг еб-ичиши, кийим-кечаги ва унинг мол-мулкига бутун овул (яъни уруғ, маҳалла) кўз-қулоқ бўлган ва назорат қилган* [4; 161].

Фарзандликка олиш учун, агар асраб олинаётган боланинг ота-онаси ҳаёт бўлса, уларнинг розилиги талаб қилинган. Бола асраб олган шахс боланинг фойдасига ўз мулкдан зарур қисмини ажратиши лозим бўлган. Бола асраб олган шахс асраб олинган бола устидан мутлақ оталик ҳуқуқига эга бўлган. Унинг таъминоти, тарбияси, уйланиши ва шу қабиларга масъул бўлган. Лекин асраб олинган болалар асраб олган ота-оналарининг вафотидан сўнг ҳеч қандай мерос олмаган [7; 124].

Бола асраб олган шахс ўз болалари содир этган ноқонуний қилмиши учун жарима ва хун тўлагани каби, асраб олинган бола учун ҳам тўлаган. Болаларни алмаштириш усулида асраб олиш, фақатгина қариндошлар ўртасида бўлиши мумкин бўлган. Асраб олиш гувоҳлар иштирокида амалга оширилган ва унга бағишлаб, жонлиқ сўйилган. Гувоҳ-оқсоқол (қабил раҳнамоси) сўйилган жонлиқ суягидан асраб олинган болага берган ва бола уни ҳаммага кўрсатиб еб қўйган. Асраб олаётган она асраб олинаётган болани бағрига (кўксига) босиши, асраб олаётган болани қондош болалари каби она сути билан эмизмаган бўлса-да, уни улар билан тенг кўришини билдирган.

Асраб олинган бола одатда, қондош болалар сингари яқин бўла олмаса-да, ўзининг маънавий ва жисмоний кўмаги билан қондош болалардан ҳам афзалроқ бўлиши мумкин бўлган. Агар бола асраб олганлар асраб олинган боладан воз кечмоқчи бўлсалар, унга ёки турар жой, ёки қалин, ёки энг камида кетиши учун от-улов беришлари керак бўлган. Лекин асраб олинган боланинг илтимосига кўра, оқсоқол жиддий сабабларсиз боладан воз кечмаслигини сўраб, асраб олган отага мурожаат қилиши мумкин эди. Асраб олинган бола эса, истаган вақтида ўз қариндошлари билан яшашга кетиб қолиши мумкин эди. У ҳолда бола асраб олган томон болани ҳеч қандай маблағ билан таъминлаши шарт бўлмаган. Бола асраб олиш билан боланинг насл-насаби ўзгармайди. Е.А.Александровнинг таъкидлашича, асраб олинган бола ҳеч қачон асраб олган шахслар билан, уларнинг оиласи, уларнинг яқин қариндошлари билан турмуш кура олмаган. У оилада ота-онанинг қондош болалари мақомига тенг бўлган[5;58].

ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўрта Осиёда ўтмишда бола ҳуқуқига оид муносабатлар нафақат ёзма қонунчилик билан, балки халқ орасида оғзаки равишда шаклланган ҳуқуқий одатлар билан ҳам ҳар томонлама тартибга солинган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Отчет поручика Аитова «О киргизских обычаях, имеющих в степи силу закона» от 26 февраля 1846 г.//Материалы по обычному праву казахов. Сборник 1. Алма-Ата, 1948. – 98 с.
2. Ломакин А. Обычное право туркмен(Адат). Степной закон. Обычное право казахов, киргизов и туркмен. Составитель, автор вступительной статьи, комментариев и глоссария А.А. Никишенков. Под редакцией Ю.И. Семенова. – Москва: Старый сад, 2000. – 210 с.
3. Левшин А.И. Описание киргиз-казачьих или киргизкайсацких орд и степей. Часть 3. – СПб., 1832. – 43 с.
4. Ломакин А. Обычное право туркмен(Адат). Степной закон. Обычное право казахов, киргизов и туркмен. Составитель, автор вступительной статьи, комментариев и глоссария А.А. Никишенков. Под редакцией Ю.И. Семенова. – Москва: Старый сад, 2000. – 210 с.
5. Гродеков Н.И. Киргизы и каракиргизы Сыр-Дарьинской области. – Том 1. Юридический быт. – Ташкент, 1889. – 82 с.
6. Отчет поручика Аитова «О киргизских обычаях, имеющих в степи силу закона» от 26 февраля 1846 г.//Материалы по обычному праву казахов. Сборник 1. – Алма-Ата, 1948. – 98 с.
7. Отчет чиновника д'Андре. «Описание киргизских обычаев, имеющих в орде силу закона» от 5 ноября 1846г // Материалы по казахскому обычному праву. Сборник 1. – 131 с.